

## ЎТХЎР БАЛИҚЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ф.Ш.Махмудова**

*Тошкент амалий фанлар Университети ўқитувчиси*

**Л.М.Умирова**

*Тошкент тумани 20-мактаб биология фани ўқитувчиси*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада мамлакатимизда етиштириладиган ўтхўр балиқларни кўпайтириши, озиқланиши ва озиқ таркиби, уларнинг анатомик тузилиши, ўтхўр балиқлар ва уларни етиштиришнинг зарурлиги ҳамда аҳамияти каби масалалар баён қилинган. Ўтхўр балиқларни етиштиришни ривожлантиришида табиий озиқлантиришни такомиллаштириши юзасидан муаллифлик таклифи ва тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** *балиқлар, балиқ етиштириши усуллари, балиқларни озиқлантириши, сув ўсимликлари, сув хавзалари, ўтхўр балиқлар.*

### КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда қишлоқ хўжалиги энг асосий тармоқлардан бири ҳисобланиб, иқтисодиётнинг кўпгина тармоқ ва соҳаларини ҳом-ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Балиқ етти хазинанинг бири саналади. Шифокорлар витамин ва минералларга бой ушбу маҳсулотни йил давомида 6-8 килограмм истеъмол қилишни тавсия этади. Демак, балиқ маҳсулотларини кўп етиштириш, қайта ишлаш ва аҳоли ўртасида истеъмолини бир неча баравар кўпайтириш миллионлаб кишилар саломатлигини яхшилашга хизмат қилади<sup>5</sup>.

Балиқчилик қишлоқ хўжалигининг истиболли соҳаларидан бири саналиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 октябр 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармонида асосан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади<sup>6</sup>.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3657-сон Қарори билан балиқчилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири сифатида янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, балиқларни етиштириш бўйича илмий-инновацион

<sup>5</sup> [www.uza.uz](http://www.uza.uz) сайт маълумотлари

<sup>6</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 6 aprel 2018 yildagi "Baliqchilik tarmog'ini jadal rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" PQ-3657-son Qarori.

тадқиқотлар ва ишланмалар сифатини ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш<sup>7</sup>ни ривожлантириш вазифалари белгиланган.

**Балиқчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар балиқчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган норматив ҳужжатлар билан тўлдирилди ва улар қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 719-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги «Балиқчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 606-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон қарори қабиладир.

Юқорида келтириб ўтилган қонун ҳужжатларида белгиланган устувор мақсадлар ва вазифалардан келиб чиқиб, балиқчиликни ривожлантириш ва аҳолини табиий балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ўтхўр балиқларни табиий органик воситалар асосида озиклантиришни ташкил этишни такомиллаштиришга оид изланишлар олиб бориш зарур ҳисобланади ҳамда ўз навбатида ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

## **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Ўтхўр балиқларни етиштириш ва озиклантириш балиқчиликни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Чунки, ўтхўр балиқларнинг яшаш муҳити мамлакатимиз иқлимига яхши мослашган. Бу борада мамлакатимиз олимларидан Мамадов Ф.К. Трояновская Р.А. Шагаева М.Э. Д.Холмирзаев, П.Ҳақбердиев, Д.Шохимардонов, Э.Шаптақовларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўтхўр балиқлар, уларнинг анотомик тузилиши, уларни кўпайтириш, озиклантириш ва етиштиришни такомиллаштиришга оид изланишларни кўришимиз мумкин.

Хусусан, Мамадов Ф.К. Трояновская Р.А. Шагаева М.Э. ишланмаларида **Саноат балиқчилиги** (чучук сувларда ва денгизларда) балиқларни қайта тиклаш, етиштириш билан фақатгина табиий сув ҳавзаларида уларнинг захираларини кўпайтириш мақсадида шуғулланибгина қолмай, балки балиқлардан тиббий мақсадларда, техник ва озик-овқат мақсадларида фойдаланишни ҳам кўзда тутди.

**Ҳовуз балиқчилиги**- бу чорвачиликнинг тармоғи ҳисобланади. Бунда қишлоқ хўжалик корхоналари ҳовузларда балиқ боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланиши<sup>8</sup> каби масалалар баён қилинганлигини кўришимиз мумкин

<sup>7</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29 avgust 2020 yildagi "Baliqchilik tarmog'ini qo'llab-quvvatlash va uning samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4816-son Qarori

Д.Холмирзаев, П.Ҳақбердиев, Д.Шохимардонов, Э.Шаптақовларнинг ишланмаларида балиқларнинг келиб чиқиши, анотомик ва морфологик тузилиши, балиқлар ҳаётига таъмир этувчи абиотик омиллар, мамлакатимизда учрайдиган ўтхўр балиқларнинг турлари, балиқларни озиклантириш, ховуз шароитида балиқларни кўпайтириш, балиқларда учрайдиган касалликлар каби масалалар ёритилган. Мазкур ишланмаларда айнан, ўтхўр балиқлардан карпсимон балиқлар, чипор дўнгпешанали балиқлари, оқ амур балиқлари, оқ дўнгпешана балиқлари, қора амур балиқларининг анотомик тузилиши, озикланиши, кўпайиши каби масалалар баён қилинганлигини кўришимиз мумкин.<sup>9</sup>

Д.Ниёзов ва Х.Ғаффоровлар томонидан балиқларнинг озикланиши борасидаги ишланмаларида балиқларнинг табиий шароитда, ховуз шароитида, тўр хавзалар ва бассейнда етиштириладиган балиқларни озиклантириш, озуқаларнинг биологик таркиби, миқдори ва биомассаси, экологик шароити ва уларни кўпайтириш каби масалалар амалий жиҳатдан баён қилинган.<sup>10</sup>

– Биз Хива туманидаги “Эшон Равот балиқ” фермер хўжалиги билан ҳамкорликда балиқ етиштирмоқдамиз, – дейди Вьетнамнинг “Nguen Duc Chi» корхонаси директори Нгуен Ван Чи. – Бунинг учун 400 гектарда ҳавза бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди. Уларни зарур қурилма билан жиҳозлаб, янги усулда балиқ етиштириш тажрибасини амалга оширамиз. Келгусида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, янги лойиҳаларда иштирок этмоқчимиз.<sup>11</sup>

Ю.И.Заблецкис ўзининг тадқиқот ишларида Болтиқ бўйи давлатларида ўтхўр балиқларни етиштиришнинг биологик ва иқтисодий асослари борасида ўтказилган тадқиқотларида оқ амур балиқ турининг сув хавзаларининг биологик ҳолатини яхшилаш ва уларнинг балиқчиликдаги ўрнини асослаб берган.<sup>12</sup> Оқ амур балиғини озиклантиришнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Юқорида кўриб ўтилган изланиш натижаларида мамлакатимизда етиштириладиган балиқларнинг табиий тузилиши, уларнинг кўпайиши, озикланиши, иқлим шароити, хавзаларда балиқларни табиий озиклантириш каби масалалар атрофлича ўрганилган. Бизнингча, ўтхўр балиқларни етиштиришда уларнинг кўпайиши, улардан насл олиш, маҳсулот сифатида етиштириш, касалликка чидамлилигига, балиқларни истеъмолда озик-овқат хавсизлиги масалалари комплекс ўрганилмаган.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

---

8 Мамадов Ф.К. Трояновская Р.А. Шагаева М.Э «ҲОВУЗ БАЛИҚЧИЛИГИ» ўқув қўлланма Тошкент 2020 йил 164 бет

<sup>9</sup> D.Xolmirzaev, P.Haqberdiev, D.Shoximardonov, E.Shaptaqov. Baliqchilik asoslari. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. – T.: “ILM-ZIYO”, 2016. – 248 b.

<sup>10</sup> D.Niyozov, H.G'afforov. Baliqlarning oziqlanishi. O'quv qo'llanma. - T.: “DIZAYN-PRESS”, 2012. – 228 b.

<sup>11</sup> [www.uza.uz](http://www.uza.uz) сайт маълумотлари

<sup>12</sup> Ю.И.Заблецкис Исследование биологических особенностей и хозяйственно полезных признаков растительноядных рыб в связи с их использованием в рыбном хозяйстве Прибалтики. Автореферат диссертация. к.с.н. Владикавказ – 1984. 34 с.

Сўнгги йилларда республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, жумладан, ички бозорни сифатли ва арзон балиқ маҳсулотлари билан тўлдириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг талаб юқори бўлган турларига нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган мақсадли дастурлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Натижада мамлакат миқёсида 3 мингдан ортиқ балиқчилик хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди. Балиқчилик хўжалиklarини ривожлантиришни тизимли қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилмоқда ва ушбу кредитлар сув омборларида ҳамда табиий ҳавзалардаги сунъий қурилмаларда интенсив усулда балиқ етиштиришнинг замонавий технологияларини жорий этишга йўналтирилмоқда.

– Олимларимиз балиқ етиштиришни ривожлантириш учун интенсив усулни кенг тарғиб этишмоқда – дейди Балиқчилик илмий-тадқиқот институти директори Рухилло Қурбонов. – Бунда балиқлар кичик сув ҳавзалари ва сувни исроф қилмайдиган ёпиқ тизимларда етиштирилади. Интенсив усулда кичик ҳажмли, ихчам бассейнлар ва сув таъминоти тез алмашинадиган кичик оқар сув ҳовузларида балиқлар юқори тиғизликда парваришланади. Бассейнлардаги оқар сувлар исрофсиз ирригация тизимига қайтарилади. Шунингдек, сув ҳарорати ва кислород миқдори мўътадил бўлиши орқали киска муддатда балиқ етиштириш имконини беради.<sup>13</sup>

Шу билан бирга, балиқчилик соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мавжуд ҳавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги инкубацион цехларни қуриш ва балиқ питомникларини ташкил этиш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмларини ошириш ҳамда балиқчилик хўжалиklarининг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва мазкур соҳани молиялаштириш бўйича чора-тадбирлар лозим даражада амалга оширилмаяпти.

Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 йилда балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3505-сон Қарори қабул қилиниб, унда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида балиқ етиштириш ҳажмларини ошириш, мазкур соҳадаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини тизимли жорий этишни ташкиллаштириш ва интенсив усулда балиқ етиштиришнинг инновацион технологияларини ўзлаштиришни жадаллатириш белгилаб берилди.<sup>14</sup>

Мазкур қарорга асосан балиқларни озиқлантириш учун тўлиқ ва бойитилган ишлаб чиқариш бўйича мавжуд саноат қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш орқали балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш устувор масалалардан бири сифатида белгиланди.

<sup>13</sup> [www.uza.uz](http://www.uza.uz) сайт маълумотлари

<sup>14</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 3 fevral 2018 yildagi "2018 yilda baliq mahsulotlari yetishtirish hajmini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3505-son Qarori

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) сайт маълумотлари
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 апрел 2018 йилдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3657-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 август 2020 йилдаги “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4816-сон Қарори
4. Мамадов Ф.К. Трояновская Р.А. Шагаева М.Э «ҲОВУЗ БАЛИҚЧИЛИГИ» ўқув қўлланма Тошкент 2020 йил 164 бет
5. Д.Холмирзаев, П.Ҳақбердиев, Д.Шохимардонов, Э.Шаптақов. Балиқчилик асослари. Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: “ИЛМ-ЗИЁ”, 2016. – 248 б.
6. Д.Ниёзов, Ҳ.Ғаффоров. Балиқларнинг озикланиши. Ўқув қўлланма. - Т.: “ДИЗАЙН-ПРЕСС”, 2012. – 228 б.
7. Ю.И.Заблецкис Исследование биологических особенностей и хозяйственно полезных признаков растительноядных рыб в связи с их использованием в рыбном хозяйстве Прибалтики. Автореферат диссертация. к.с.н. Владикавказ – 1984. 34 с.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 феврал 2018 йилдаги “2018 йилда балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3505-сон Қарори